Тараққиёт мезонлари



# МИЛЛИЙ СТАНДАРТЛАР ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИГА МОСЛАШЯПТИ



**Президентимизнинг 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида келгуси йилда янги товарлар ишлаб чиқариш, Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни жадаллаштириш вазифаси қўйилди.**

**Бинобарин, давлатимиз раҳбари ўтган йилнинг 28 сентябрь куни техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаш ва метрология тизимидаги ислоҳотлар натижадорлиги муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда миллий стандарт "овози жаранглаши"га эришиш кераклигини алоҳида таъкидлаган эди. Бунинг учун "Ўзстандарт" агентлигини миллий орган мақомига олиб чиқиш, корхоналарда янги мезонларни манзилли жорий қилиш, 5 мингдан зиёд эски стандартларни бекор қилиш, маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш техник регламентларини Европа ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи талабларига мослаштириш асосий вазифа сифатида белгилаб берилган эди.**

**Мана шундан буён орадан уч ойдан ортиқ вақт ўтди.**

**"Ўзстандарт" агентлиги бош директори Дилшод САТТОРОВ билан суҳбатимиз қабул қилинган муҳим ҳужжатларда қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, уларнинг амалий натижалари хусусидаги саволдан бошланди.**

— Ҳаётимизда, турмуш тарзимизда сифат тушунчасига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратиляпти. Бу, табиий жараён, албатта. Замон ва тараққиёт шиддат билан ривожланаётган бир даврда ҳар биримиз сифатли маҳсулот харид қилишни ва хизматлардан фойдаланишни хоҳлаймиз. Ривожланиш ва глобаллашув жараёнларида ҳар бир давлат миллий маҳсулотлари сифатига эътибор қаратмаса, хизматларни халқаро меъёрларга уйғунлаштирмаса, охир-оқибатда у мамлакат ёки миллат фақатгина четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг истеъмолчиси бўлиб қолаверади.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий маҳсулот сифатига қанчалик эътибор берилса, миллий ва халқаро стандартлар тармоқларда кенг жорий қилинса, шубҳасиз, ҳар бир давлатнинг иқтисодий соҳадаги имкониятлари кенгайиб бораверади.

Мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг драйверини белгилайдиган стандартлаштириш, метрология, мувофиқликни баҳолаш соҳасида қабул қилинаётган Президентимизнинг фармон ва қарорлари, шубҳасиз, мазкур соҳани жаҳон андозалари даражасига олиб чиқади. Буни давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 12 декабрдаги "Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология тизимларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича эришилган натижалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Хусусан, шу кунга қадар жами 2 600 дан ортиқ янги стандартлар қабул қилиниб, уларнинг икки мингга яқини халқаро стандарт, меъёр ва қоидалар билан уйғунлашган, 250 дан ортиғи янги турдаги маҳсулотларни, яъни озиқ-овқат, электротехника, қурилиш материаллари, кимё технологияси, нефть маҳсулотлари, темир йўл техникаси ва бошқа соҳалардаги ишлаб чиқариш стандартларини ташкил этади. Тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган ва маънан эскирган 30 та стандарт амалиётдан чиқарилиб, 132 таси қайта кўриб чиқилди. Маҳаллий саноат корхоналарида Америка Қўшма Штатларининг Америка материаллар синовлари стандартлари ташкилотининг 12 мингдан зиёд стандартларидан фойдаланишга имконият яратилди.

Президентимиз ўтган йили 28 сентябрь куни ўтказган йиғилишда эътироф этганидек, маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш жуда муҳим ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда стандартларнинг 43 фоизи халқаро меъёрлар билан уйғунлаштирилиб, уларнинг сони 12 мингтага етказилди. Бундай ишлар натижасида экспорт имкониятлари кенгаймоқда. Мисол учун, 21 та корхонада тўқимачилик ва трикотаж товарларига Европанинг "OEKO-Tex" ва "Sedex" стандартлари жорий қилинди.

Жумладан, Андижондаги "Samo Textile" Европа бозорларига 5 миллион долларлик маҳсулот билан чиқди. Бухородаги "Bukhara Cotton Textile" МЧЖ ҳам АҚШ, Германия, Буюк Британия ва Туркияга 5 миллион доллардан зиёд товарларини экспорт қилди. Шунингдек, маиший техника, кабель, тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда 20 дан ортиқ турдаги маҳсулот хавфсизлигини тасдиқловчи машҳур "CE" маркировкаси жорий этилгани натижасида Европанинг 10 дан ортиқ давлатига экспорт бошланди.

**— Маълумки, агар маҳсулот халқаро сертификатга эга бўлмаса, у ҳеч қачон рақобатбардош бўла олмайди. "CE" маркировкаси жорий этилгани натижасида эришилган самараларни қайд этдингиз. Қишлоқ хўжалигида "Global G.A.P." ва "Organic" тизимларини қўллашни кенгайтириш бўйича берилган топшириқлар қандай бажариляпти?**



— Агентлик томонидан юртимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ошириш, экспорт имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида ўтган йили 13 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарда "Global G.A.P." ва "Organic" стандартлари жорий этилди. Уларнинг умумий сони 77 тага етди, 2039 гектар майдон қамраб олинди. 600 гектар майдонига эга ҳудудда етиштирилаётган 14 турдаги маҳсулотларни халқаро стандартлар талаблари асосида хорижий давлатларга экспорт қилиш имконияти яратилди. Мисол учун, Сирдарё вилоятидаги "Деҳқонобод анори" кооперацияси асосида 36 та ва "BEK" кластери қўшимча равишда 60 та фермер хўжаликни жамлаган ҳолда, халқаро "Global G.A.P" стандарти асосида сертификатлаштирилди.

**— Ҳақиқатан, бу мисоллар ҳам дунё ҳамжамиятига интеграциялашаётган ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришга ҳозирланаётган Ўзбекистон учун миллий стандартларни халқаро талабларга мослаштириш масаласи нечоғлик муҳимлигини кўрсатиб турибди. Мурожаатномада айнан шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Табиийки, бунда техник жиҳатдан тартибга солишнинг ҳам ўрни катта. Халқаро экспертларнинг фикрича, бу борада, энг аввало, стандартлаштириш билан унинг ўртасидаги фарқни белгилаб олиш зарур бўлади. Чунки техник жиҳатдан тартибга солишда давлатнинг роли кўзга ташланади, тегишли қонунчилик яратилади ва унга риоя этилиши устидан назорат ўрнатилади. Стандартлаштиришда эса давлат бизнес ёки истеъмолчилар қатори манфаатдор иштирокчи томонлардан бири саналади. Бир сўз билан айтганда, техник тартибга солиш мажбурий, стандартлаштириш эса ихтиёрий ҳисобланади. Ана шу мувофиқликни таъминлашда "Ўзстандарт" агентлиги олдидаги асосий вазифа нимадан иборат ва уларни ҳал этишда қандай масалаларга алоҳида эътибор беріляпти?**



— Ҳар бир соҳа бўйича тегишли давлат органи томонидан самарали техник регламентлар ҳаётга татбиқ этилса, мамлакатда техник жиҳатдан тартибга солишнинг мажмуаси яратилади. Бунда ҳар бир йўналишга оид халқаро ташкилотларнинг тегишли тавсиявий характердаги кўмаги берилиши мумкин. Муайян мамлакат давлат идоралари эса бу тавсияларни ўрганган ҳолда улардан фойдаланишлари мумкин. Масалан, Германияда техник тартибга солиш ишлари ҳар бир соҳанинг эгаси бўлган идора томонидан олиб борилади. Стандартлаштириш эса кўпгина Европа Иттифоқи мамлакатларида давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан амалга оширилади ва баъзида давлат кўмагини олиши мумкин.

Айни пайтда биз техник жиҳатдан тартибга солиш ва стандартлаштиришнинг амалиётда бир-биридан тубдан фарқ қилишини миллий қонунчиликда акс эттириш борасида халқаро экспертлар билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Унинг моҳияти шундаки, маҳсулот ва товарларнинг хавфсизлиги билан сифати ўртасида фарқ бўлиш керак. Чунки бу иккисини бир нарса деб қараш нотўғри. Маҳсулот хавфсиз бўлиши мумкин, лекин у сифатли эмас. Бу, ўз навбатида, истеъмолчи ҳуқуқи билан бевосита боғлиқ. Шунинг учун бу жиҳатларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлаш Жаҳон савдо ташкилоти талабларидан бири ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистонда бу соҳада тўртта қонун мавжуд бўлиб, айрим мажбурий стандартларни техник жиҳатдан тартибга солишга айлантириш, вақти келиб уларнинг ҳам ўз-ўзидан ихтиёрийга айланиши учун шароит яратиш зарур бўлади.

Бу борадаги ишлар тобора жадаллик касб этяпти. Хусусан, 2020 йилнинг апрель ойида метрология соҳасининг халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида амалдаги ҳуқуқий ҳужжат янгиланиб, "Метрология тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида" ги қонун қабул қилинди. Бу билан метрологияга оид қоидалар (OIML, BIPM) халқаро талаблар билан мувофиқлаштирилди ҳамда хусусий бизнес субъектларини метрологик хизматлар кўрсатиш фаолиятига жалб этиш, жумладан, ўлчаш воситаларини калибрлашдан ўтказиш имконияти яратилди.

Шунингдек, саноат тармоқларида ўлчашларнинг ягоналиги таъминланди, маҳсулот ва хизматларнинг сифат ва рақобатбардошлигини оширишга қаратилган таянч метрология хизматларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асос вужудга келди.

Миллий эталонлар базасини ривожлантириш учун эса 248,87 минг АҚШ долларлик фотометирик ўлчашлар учун қурилма эталони харид қилинди. Бу билан тиббиёт ва фармацевтика соҳаларида фойдаланиладиган қон ва иммунофермент анализаторлар, колориметрлар, рефрактометр ва люксметрларни метрологик текширувдан ўтказиш йўлга қўйилди.

Маҳсулот синовларини янада такомиллаштириш, замонавий лабораториялар имкониятларидан фойдаланиш ва жиҳозлаш соҳаларига хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Халқаро усул ва тавсиялар (OIML, KOOMET, DKD ҳужжатлари) асосида янги 4 та йўналиш бўйича лабораторияларнинг аккредитация доиралари кенгайтирилиб, калибрлаш хизматлари жорий этилди.

Тошкент вилояти Пискент туманидаги техник воситаларнинг электромагнит мослашувчанлиги бўйича 4,2 миллион АҚШ доллари қийматидаги лаборатория биноларини қуриб битказиш ва жиҳозлаш ишлари якунланмоқда. Бу билан Марказий Осиёда ягона бўлган лабораторияда техник воситаларни электромагнит мослашувчанлиги бўйича халқаро талабларга мувофиқ, тўлиқ синовлар ўтказиш йўлга қўйилади.

**— Энди, бевосита техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича кейинги пайтда амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратсак.**

— Жаҳонда янгидан-янги маҳсулотлар, кеча хаёл бўлиб туюлган лойиҳалар амалга оширилаётган бир даврда стандартлаштириш идоралари улардан ортда қолмаслиги керак. Чунки жаҳоннинг нариги бурчида бугун ишлаб чиқарилган ўта инновацион маҳсулот эртага юртимизга кириб келади. Ёки, аксинча, юртимизда яратилган янги товар хориж бозорига чиқиши керак. Бу жараёнлар техник регламентлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у маҳсулотларнинг сифат ва хавфсизлик талабларини белгилайди. Уларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш мақсадида агентлик томонидан 2020 йилда 4 та умумий ва 4 та махсус техник регламентлар қабул қилинди ва улар сони 54 тага етди.

Хусусан, "2019 – 2021 йилларда техник регламентларни ишлаб чиқиш" дастурига асосан, "Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламент ишлаб чиқилиши белгиланган эди. Уни ўз вақтида ва пухта тайёрлаш мақсадида "Ўзстандарт" агентлиги ҳузурида эксперт кенгаши ташкил қилиниб, умумий техник регламент лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2020 йилнинг 23 июлида Вазирлар Маҳкамасининг "Болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан болалар ўйинчоқларининг хавфсизлиги соҳасида 73 та зарарли кимёвий моддаларнинг (бензалдегид, стирол, ацетон, гексан ва бошқа) меъёрлари белгиланди. Бундан ташқари, болалар ўйинчоқларида бўлиши тақиқланган аллергия чақирувчи ароматизаторлар рўйхати киритилди. Яна бир янгилик, болалар ўйинчоқларидан фойдаланиш ва уларнинг хавфсизлиги хусусида истеъмолчиларни чалғитувчи ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида хавфлилик даражаси юқориларидан фойдаланиш хавфлари ва меъёрлари ҳақидаги ахборотларга қўйиладиган талаблар белгиланди.




**"Деҳқонобод анори" кооперацияси асосида 36 та ва "ВЕК" кластери қўшимча равишда 60 та фермер хўжаликни жамлаган ҳолда, халқаро "Global G.A.P" стандарти асосида сертификатлаштирилди.**

**— Бутун дунёда давом этаётган коронавирус пандемиясига доир маълумотлар худди уруш фронтидан келаётган хабарларга ўхшаб кетади. Афсуски, кўрилаётган чораларга қарамай, унинг қамрови кенгайиб, ҳатто, манаман деган давлатларни эсанкиратиб қўйяяпти. Бунинг устига глобал инқироз жаҳон иқтисодиётига катта зарба бермоқда. Шукрким, мамлакатимиз оғир синов давридан муваффаққиятли ўтиб боряпти. Саноат корхоналари қийинчилик ва мураккабликларга қарамай, бир маромда ишлашга интиляпти, тадбиркорлар фаолияти қўллаб-қувватланяпти. Бу жараёнда агентлик уларга қандай мадад беряпти?**

— "Ўзстандарт" агентлиги томонидан юртимизда коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларида фаолият олиб бораётган мувофиқликни баҳолаш органлари учун салбий таъсирини юмшатиш мақсадида тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор имкониятлар яратиб берилди. Натижада республикамиздаги 319 та аккредитация объектларининг пандемия даврида фаолият олиб боришлари учун шароит яратилиб, аккредитация жараёнларида муддатлари қайта кўриб чиқилди. Жумладан, 162 та мувофиқликни баҳолаш идораларининг 2020 йилда амал қилиш муддати тугайдиган аккредитация тўғрисидаги гувоҳномалари муддати 6 ойга узайтирилди, 51 тасида аккредитациядан ҳамда инспекция назоратидан ўтказиш давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари сурилди.

Республикамизда фаолият юритаётган 1516 та корхонада профилактика ишлари ўтказилиб, 337 та корхона стандартлар билан бепул таъминланди, 28 та корхонада халқаро стандартлар жорий этилди. 264 та қиёслашдан ўтмаган ўлчаш воситалари қиёсланди. 836 та корхонада халқаро ISO стандартларига мувофиқ сифатни бошқариш тизимлари жорий этилиб, улар сони 9 497 тага етказилди. Натижада экспорт қилувчи корхоналарнинг маҳсулотларни сертификатлаштиришдаги имкониятлари кенгайиб, товарлар хавфсизлигини тизимли назорат қилиш самарадорлиги ошди.

**— Мана янги йил ҳам кириб келди. Агентликнинг 2021 йилга мўлжалланган режаларида қайси йўналишлар устуворлик касб этади?**

— Президентимизнинг маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлигини ошириш учун миллий стандартларни жаҳон талабларига мослаштириш ҳамда корхоналарга жорий қилиш бўйича берган топшириқлари юзасидан белгиланган вазифалар давом эттирилади. 2021 йилда 8150 та янги стандартларни қабул қилиш режалаштирилган бўлиб, уларнинг барчаси халқаро стандарт, меъёр ва қоидалар билан уйғунлаштирилади. Бозор иқтисодиёти механизмларига салбий таъсир кўрсатадиган ва маънан эскирган 2013 та стандарт амалиётдан чиқарилади. Бу билан эса амалда фойдаланилаётган стандартларни халқаро стандартлар билан уйғунлашиш даражаси 50 фоиздан ошади ва натижада маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнлари янги босқичга кўтарилади. Шу билан бирга, халқаро стандартларнинг кенг жорий қилиниши орқали мувофиқликни баҳолаш натижаларини хорижий мамлакатларда тан олинишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, республиканинг экспорт салоҳиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

2021 йилда агентлик Халқаро атом энергияси агентлиги билан ҳамкорликда иккиламчи дозиметрия эталонлари лабораториясини ташкил этишни режалаштирган.

Ҳозирги пайтда республикамизда кон-металлургияси, соғлиқни сақлаш, атом энергетикаси, чегара хавфсизлигини таъминлаш соҳаларида қўлланиб келинаётган ва метрологик текширувдан ўтказилмаётган гамма ва рентген ўлчаш воситаларни метрологик текширувдан ўтказиш имконини берувчи лабораториянинг ҳам фаолияти йўлга қўйилади.

Метрология соҳасини янада ривожлантириш мақсадида умумий қиймати 550 минг АҚШ долларига тенг 2 та эталон ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситалари келтирилади. Бу билан республикамизда мавжуд эталонларнинг умумий сони 23 тага етказилади. Ҳудудларда саноат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, қиймати 1,1 миллион долларлик 91 та юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш орқали калибрлаш хизмати жорий этилиб, уларнинг моддий-техник базаси модернизация қилинади.

Европа иқтисодий комиссияси техник қўмитаси билан қуритилган мевалар бўйича келишувга эришиш, келгуси йилда Халқаро аккредитация форумига тўлақонли аъзо бўлиш ҳам асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Президентимизнинг 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида белгилаб берилганидек, келгуси йилда Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бўлган давлатлар бозорларида тўлақонли иштирок этиш учун миллий техник тартибга солиш меъёрларини уларнинг талабларига мослаштириш бўйича ишларни ҳам жадаллаштиришимиз зарур. Бу корхоналаримизда маҳсулот сифатини яхшилашга ҳамда уларнинг замонавий рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ривожлантиришга бўлган имкониятини янада кенгайтиради.

Наманган шаҳрида "Юксалиш" кичик саноат зонаси ҳудудида халқаро талаблар асосида маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш учун қиймати 5 миллион доллар бўлган синов лабораториялари мажмуи ташкил этилади. Бунинг натижасида вилоятда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ва экспорти ҳажмларини ошириш, уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини таъминлаш, шунингдек, кичик саноат зонаси ҳудудида полимер, енгил саноат, электр техникаси, кимё ва қурилиш маҳсулотларини халқаро талаблар асосида синовдан ўтиши йўлга қўйилади.

Соҳага доир илм-фан ва таълимни ривожлантириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Келгуси йилдан Тошкент давлат техника университети билан энергия самарадорлиги, Кимё-технология институти билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари генетикаси, Тўқимачилик институти билан синтетик толалар, Илғор технологиялар маркази билан ҳамкорликда биологик фаол қўшимчалар йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Албата, ҳозирга келиб, дунё миқёсида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кўпайиб бормоқда. Эҳтиёж ҳам шунга монанд. Демак, юртимизда стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш соҳалари мазкур жараёнлардан бир қадам олдинда ривожланиши давр талабига айланиб бораверади.

"Ўзстандарт" агентлигининг истиқбол марраларини янада каттароқ олиши миллий сифат тизимининг ишлашига, маҳсулотларимизнинг ички ва ташқи бозорларда муносиб ўрин эгаллашига пухта замин яратишига шубҳа йўқ.

**Янги Ўзбекистон" мухбири**
**Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.**